ҲУҚУҚ ФЕНОМЕНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Ф. Хатамов

Мақолада ҳуқуқ феномени ва унинг фалсафий асослари таҳлил этилади. Ҳуқуқ феноменининг ижтимоий аҳамияти, унинг расмий норматив ҳужжатлардаги ифодаси ва рўёбга чиқарилиш механизмлари кўрсатиб берилади.

Калит сўзлар: *позитив ҳуқуқ, бошқарув фаолияти, шахс, жамият, кишилар, меҳнат жамоаси, ҳуқуқнинг регулятив функцияси, шахс масъуллиги.*

В статье рассматривается феномен права и его философские основы. Освещается вопрос о социальной значимости феномена права, об отражении в официальных и нормативных документах, о механизмах его осуществления.

Ключевые слова: *позитивное право, управленческая деятельность, лицо, общество, трудовое общество, регулятивная функция права, личная ответственность.*

The phenomenon of the right and its philosophical bases are considered in the article. The issues of the social importance of the phenomenon of the right, its reflection in official and normative documents, mechanisms of carrying them out are elucidated.

Keywords: *positive right, administrative operation, society, laboring society, regulating function of the right, personal responsibility.*

Давлат бошқарув институтлари демократик ҳуқуқий қадриятларнинг қарор топиши, жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва тинмай ўзгараётган дунё талабларига мувофиқ келадиган касбий, ҳуқуқий билимларга эга бўлишда аҳолига намуна, ибрат бўлиши лозим. Бу давлат бошқарув институтлари халққа хизмат қилишининг энг таъсирчан усулидир. Бугун миллий ва умуминсоний ҳуқуқ нормалари билан яшаётганимиз, шу билан бирга глобаллашиб бораётган дунёнинг янги бошқарув тизимларига муҳтожлиги реал воқеликдир. Ушбу ўзгаришларга мувофиқ ҳуқуқ феномени, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва функционал вазифалари ҳам трансформацияга учрайди. Буни ҳуқуқнинг социодинамик хусусияти ҳам тақозо этади. Демак, ижтимоий борлиқдаги ўзгаришлар ҳуқуқ феноменига таъсир этади, бу ҳол ҳуқуқни ҳар доим ижтимоий-тарихий босқичларга мувофиқ тадқиқ этиб боришни, ундаги трансформация жараёнларини кузатиб, аниқлаб, белгилаб боришни талаб қилади.

Ҳуқуқ феномени генезисида ибтидоий табу (тақиқ институти) муҳим роль ўйнаган, унинг социомаданий аҳамияти ҳуқуқшунослар, этнографлар, маданиятшунослар ва файласуфлар томонидан очиб берилган [1, 3]. Кейинги ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ, ҳаёт ана шу анъанани давом эттирди, сиёсий-ҳуқуқий манбалар (Ҳақиқатлар, Капитулярлар, Формулалар, Правдалар, Статутлар, булла ва актлар, декретлар, конституциялар) ҳуқуқ феноменининг мажбурий тарзда жорий этилганини, бундан аввало мулкдорлар, ҳукмдорлар манфаатдор бўлганини кўрсатади. Масалан, Сали Ҳақиқати (481 – 511 йиллар)да агар қирол қули ёки лити (ярим эркли) эркин аёлни ўғирласа, ўлим жазоси берилади, агар эркин қиз қулга тегса, у (қиз) эркидан маҳрум этилади, шундай жазога бегона қул аёлга уйланган эркин эркак ҳам тортилади, дейилади [2.11]. 282 параграфдан иборат Хаммурапи қонунларида тан жароҳатлари етказишдан ташқари 31 ҳолда ўлим жазоси қўлланилиши таъкидланади [3]. Демак, ҳуқуқ феномени ҳукмдор кучлар томонидан ўрнатилган тартиб, қонунлар орқали шаклланиб келган, ижтимоий борлиқни ташкил этувчи ва бошқарувчи механизмга айланган. Ҳуқуқ феноменининг куч орқали шакллантирилгани ундаги позитив аҳамиятни инкор қилмайди. Бироқ барча тадқиқотчилар, айниқса, сиёсий-ҳуқуқий йўналишда илмий изланишлар олиб борганлар ҳуқуқнинг позитив феномен сифатида шаклланганини қайд этавермайдилар.

И.Кант ҳуқуқни ахлоқий императив билан боғлаганида унинг позитив томонига диққатни қаратди [4.140 – 148]. Ахлоқ ва ҳуқуқнинг диалектик тарзда амал қилиши, шаклланганлиги ҳақидаги ғоя фалсафа учун янгилик эди, албатта. Бироқ бу янгилик ахлоқий императивнинг устуворлигини таъминлашни эмас, балки ҳуқуқ феноменининг устуворлигини таъминлашни асосий вазифа қилиб қўйди, натижада ҳуқуқнинг қонуний кучини улуғлаш, унга фақат позитив воқелик сифатида қараш анъанага айланди. Умуман, ҳуқуқшунослар ҳуқуқнинг позитив воқелик эканини таъкидлашга шу даражада берилиб кетишдики, ҳатто ишламаётган, реал ҳаёт

талабларига жавоб беролмаётган, ижтимоий тараққиётга ғов бўлаётган қонунларга ҳам ҳамдлар тўқишгача боришди. Бу ўринда совет ҳуқуқшуносларининг ёндашувларини эслаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, бугун ҳуқуқ феноменининг позитив воқелик эканини қайд этиш етарли эмас, ушбу позитивликнинг нималарда намоён бўлаётганини, ҳуқуқий тизимдаги ўрни ва аҳамиятини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга таъсирини очиб бериш муҳимдир.

Ҳуқуқ фалсафаси позитивликни маълум бир ҳуқуқ тизимида қарашга ундайди, ушбу тизимга хос хусусиятлар ижтимоий-ҳуқуқий борлиққа қандай регулятив таъсир этаётганини (ёки таъсир этмаётганини) объектив ўрганишга ёрдам беради. Ҳуқуқ “ўзи ўзи учун мавжуд” воқелик эмас, у ўзидан ташқаридаги ҳаётни, яъни ижтимоий борлиқ, ушбу борлиқдаги муносабатлар, шахс ва жамият, давлат, бошқарув идоралари ўртасидаги координацион ва субординацион алоқаларни ташкил этиш, йўлга қўйиш учун мавжуддир. Унинг ушбу ташкилий ва регулятив функциялари позитив бўлиши, маълум бир муаммоларни ижобий ҳал этишга ёрдам бериши шарт, акс ҳолда ҳуқуқнинг ўзи ижтимоий аҳамиятини йўқотади.

Шунинг учун ҳуқуқшунослар ҳуқуқ феноменини ўз ичига олувчи ҳуқуқий тизимни: “давлатнинг турли меъёрий ҳужжатларида, қонунларида ифода этилган объектив (позитив) ҳуқуқнинг ўзи; ҳуқуқий идеология (ҳуқуқий онгнинг фаол томони); суд (юридик) амалиёт” билан боғлаб қарашга ундайдилар [5.47]. Демак, ҳуқуқ феномени ҳақида гап кетганида, унинг ушбу тизимлар билан боғлиқ жиҳатларига эътибор бериш, ундаги позитив жиҳатларни улар орқали аниқлаш тақозо этилади. Объектив позитив ҳуқуқ давлат ва унинг бошқарув институтларининг меъёрий ҳужжатларида, қонунлари ва норматив актларида ифода этилиши илмфанда аксиома сифатида қабул қилинган. Бироқ бу давлат ва унинг бошқарув институтлари қабул қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мутлақ объективлигини, мутлақ тўғрилигини ҳали исботламайди. Баъзи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар гипотетик ёки прогностик хусусиятга эга бўлиши, баъзилари эса умуман бажарилмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ҳуқуқнинг позитив воқелиги нима бўлади? Бундай қонун ижодкорлигини қандай баҳолаш керак бўлади?

Бизнинг фикримизча, биринчидан, ҳар қандай қонун, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар маълум бир ижтимоий-ҳуқуқий вазифаларни бажаришга қаратилгани учун ижобий ҳодиса сифатида баҳоланиши керак. Ҳа, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида субъективизмга берилган, маълум бир омиллар етарли ҳисобга олинмаган ва ҳуқуқ феноменининг ролига кўпроқ урғу берилган ёки бошқарув институтларининг фаоллигига ортиқча ишонилган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг керакли натижага олиб келмаганининг боислари ранг-баранг, хилма-хил бўлиши, гоҳо ички ва ташқи омиллар таъсири эътиборга олинмай қолиши объектив ҳолдир. Қандай бўлганида ҳам, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий борлиқдан, ҳаётдан устун туролмайди, шунинг учун уларни ижтимоий борлиққа, ҳаётга хизмат қилувчи воситалар деб ҳисоблаш даркор. Ҳаёт эса мутлақ ҳақиқатга қурилмайди, унинг социодинамик хусусиятлари барча воситаларга, шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам ўз таъсирини ўтказади, керак бўлганида уларни норматив ҳужжатлар реестридан чиқариб олишга ундайди. Иккинчидан, ижтимоий борлиққа, бошқарув фаолиятига ва “инсон – жамият – давлат” муносабатларига етарли ижобий таъсир этмайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар маълум бир маънода ҳуқуқдаги бўшлиқни тўлдиргани билан эъзозлидир.

Самараси кам қонунлардан кўра ҳуқуқдаги бўшлиқ жамиятга, давлатга қимматга тушади, чунки бу бўшлиқдан деструктив кучлар дарров фойдаланиб қолади, бошқарув ишларини, институтлардаги субординация алоқаларини ўз қўлларига олишга интилишини сиёсий-тарихий босқичлар тасдиқлайди. Тўғри, етарли самара бермайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилмаслик, қонун ижодкорлигида “етти ўлчаб бир кес” нақлига амал этиш лозим, агар шундай ҳужжат қабул қилинган бўлса, уни такомиллаштириш ёки ундан воз кечиш мақсадга мувофиқдир. Учинчидан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар ҳали давлатнинг, бошқарувнинг тўла ўзи эмас, балки уларнинг бир томонидир. Ушбу томонни объектнинг умумий мақсадига мувофиқлаштириш имкони мудом мавжуддир.

Бизнинг мавзумизда умумий мақсад бошқарув институтларининг тўлақонли, самарали ва креатив ишлашидир. Креативлик яратувчанликка қаратилган фаолликни, ижтимоий тараққиёт манфаатларини назарда тутган изланишларни англатади. У бошқарув институтининг тўлақонли ва самарали фаолият олиб бораётганини ифодалайди. Аслида ҳуқуқнинг позитивлиги ҳам кишиларнинг, жамиятнинг тўлақонли, самарали ва креатив яшаётганида намоён бўлади. Буни ҳуқуқшунослар ҳуқуқнинг регулятив функциясига йўядилар. Ҳа, ҳуқуқнинг регулятив функцияси давлат ва ҳар қандай институтларга бошқарув механизмларининг оператив ва самарали ишлашига ёрдам беради, буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бошқарув фаолиятининг са-

марали кечиши фақат ҳуқуқ регулятив функциясининг маҳсули, натижаси эмас. Ҳатто субординация ҳам ҳуқуқнинг регулятив аралашиши билан чекланиб қолмайди, унда бошқаришнинг барча воситалари ва механизмлари қатнашади.

Позитив ҳуқуқ ва унинг бошқарув фаолиятига таъсири устида гап кетганида, шахснинг жамият, кишилар, меҳнат жамоаси олдидаги масъуллиги, бу масъулликнинг ирода, эрк ва қизиқишлар билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланиши зарур. Ҳуқуқнинг регулятив функцияси шахс масъуллигини белгилашга муҳим эътибор қаратади. Масъулликсиз бошқарув йўқ, шахснинг жамоадаги ўрни унга юклатилган масъуллик ҳажми орқали белгиланади. Позитив ҳуқуқ ушбу масъуллик ҳажмини, унинг доираларини ва механизмларини белгилаб беради. Бошқарув ишларида масъуллик ҳажми барчада бир хил, баробар бўлолмайди, кимгадир улар кўпроқ берилади, кимлардир уларнинг амалий ижроси билан шуғулланади. Масъуллик ҳажми қарор қабул қилувчида кенгроқ, кўпроқ бўлади. Бу ҳаётий, табиий ҳол. Шу билан бирга, масъулликнинг айрим бир кишиларга тўла берилиши бошқаришни махсус ҳуқуқ (масалан, маъмурий ҳуқуқ)ка тааллуқли воқеликка айлантиради. Демак, позитив ҳуқуқ масъуллик элементи орқали махсус ҳуқуққа айланади. Ҳуқуқ феномени юриспруденция нуқтаи назаридан локал, ўзи ўзи учун мавжуд воқелик сифатида қаралиши мумкин, лекин бундай ёндашиш ҳам мутлақ тўғри эмас. Ҳуқуқ мудом ижтимоий борлиқ, шахс ва давлат, инсон ва жамият, кишилараро муносабатлар, бу муносабатларни йўлга қўйиш, бошқариш институтларини ташкил этиш, ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш ёки жазолаш механизмларини яратиш, ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

Ижтимоий фалсафий нуқтаи назардан қараганда у социумнинг таркибий қисми, атрибути. Бошқарув ишлари, фаолияти ҳуқуқ феноменисиз, ҳуқуқ механизмларисиз бўлиши мумкин эмас, замонавий жамиятлардаги барча бошқарув ишлари, тартиблар, кишилараро муносабатлар, инсоннинг ўз иродаси ва эркини намоён этиши унга боғлиқдир. Тўғри, ҳуқуқ феномени қанчалик етук ижтимоий ҳуқуқий борлиқни шакллантирмасин, у инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб ололмайди, бунга даъвогар ҳам эмас. Бизни ҳуқуқ феноменининг бошқарув институтлари фаолиятига позитив таъсири, бу таъсирга эришишда юзага келаётган тўсиқлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари қизиқтиради.

Шунинг учун биз диққатимизни, ҳуқуқ феноменининг ўзига, унинг имманент хусусиятлари ва функционал вазифаларига эмас (бу ҳуқуқий маданият назарияси предметининг тадқиқот объектидир), балки унинг бошқарув институтлари фаолиятини самарадорлаштириш имкониятларини аниқлаш ва шу аснода мавжуд муаммолар ечимини топишга қаратамиз. Ҳуқуқ феномени, фалсафий талқинига кўра, ижтимоий ҳуқуқий борлиқнинг расмий норматив ҳужжатлардаги ифодаси бўлиб, мазкур борлиқдаги ижтимоий муносабатларни, инсон эрки ва иродасини рўёбга чиқариш механизмлари тўпламидир. Уни давлат ва махсус институтлар ишлаб чиқса ва қабул қилса-да, у ижтимоий тараққиёт манфаатларига қаратилгани учун кишиларда ижобий тажрибалар, қарашлар, қадриятлар ва фазилатларни шакллантиргани учун мудом позитив воқеликдир. Ундаги конструктивлик, креативлик ва ижобийлик устувор хусусиятлар ҳисобланади, у бошқарув фаолиятини умумманфаатлар билан уйғунлаштиргани, субъектлар хатти-ҳаракатларини рационал ташкил этгани учун ҳам қадрлидир.

Адабиётлар:

1. Тайлор Э. Первобытная культура. – Москва: Политиздат, 1989. – 573 с.

2. Хрестоматия памятников феодального государства и права стран Европы. – Москва: Гос. изд.-во юрид. литры, 1961. – 950 с.

3. Қадимий ҳуқуқий ёдгорликлар: Хаммурапи қонунлари. Доро 1 нинг Беҳистун қояларидаги ёзувлари. Таржима асар. – Тошкент: Адолат, 2016. – 94 б.

4. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Часть 2. – Москва: Мысль, 1965. – 478 с.

5. Алексеев С.С. Право: азбука теория философия: Опыт комплексного исследования. – Москва: Статут, 1999. – 712 с.

Урганч давлат университети,
2018 йил 24 ноябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. М.С.Хажиева)